



100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 04/0-55-27
01.08.17
14/03-84

« 31 » май 2017-й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
У.Иноятовга

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

Хурматли Улуғбек Ильясович,

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан Парламент аъзолари ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида туманларга чиқиб ҳақиқий ҳолатни ўрганиб, аҳоли билан мулоқот қилишмоқда.

2017 йил 1-10 май кунлари Самарқанд вилояти Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари мен сайланган Каттакўрғон туманида бўлишди.

Ўрганиш жараёнида туманда халқ таълими тизимида қуйидаги аниқланди.

Жумладан, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфида 101 та умумий ўрта таълим мактаби, 45 та мактабгача таълим, 1 та “Баркамол авлод” болалар маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

45 та мактабгача таълим муассасаларида гуруҳлар сони 237 тани ташкил этиб, (ўртача 18 та боладан тўғри келади), шундан 37 таси қисқа муддатли гуруҳлардир. Мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчилар сони 4350 нафарни ташкил қилади, шундан 910 нафари қисқи муддатли гуруҳлар тарбияланувчиларидар. Уларга 218 нафар (бир тарбиячига 20 тадан бола тўғри келади) тарбиячилар таълим-тарбия бермоқда.

Ўрганиш жараёнида тумандаги умумтаълим мактабларида 1 ставка ҳисобидан 16 нафар педагогга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Эҳтиёжнинг асосий қисми инглиз тили, кимё биология, математика, физика, информатика, тарих, рус тили фанларидан ва туман марказидан узоқ ҳудудларда жойлашган мактабларга тўғри келади. Жумладан, 47, 60, 65, 67, 68, 79, 81 ва 83-мактабларда инглиз тили, 69-мактабда тарих, 68-мактабда рус тили, 78-мактабда биология, 65-мактабда кимё, 73-мактабда математика, 82-мактабда физика ва 70-мактабда информатика фанидан ўқитувчиларни жалб этиш масаласида соҳа мутасадди раҳбарлари бирор бир чора-тадбирларни амалга оширмасдан келмоқда.

Ўрганишлар жараёнида ҳудудда жойлашган 5 та умумтаълим мактаблари (9, 16, 47, 60, 98) ўқув биноларининг аҳоли оғир эканлиги, 26 та умумтаълим мактаблари (5, 7, 12, 15, 18, 20, 23, 27, 28, 29, 30, 37, 40, 43, 48, 53, 54, 56, 63,

66, 71, 73, 76, 89, 97, 1-идум) капитал таъмирга муҳтож ҳолатда эканлиги, таълим муассасаларининг 78 фоиз филиал бинолари ҳам аянчли аҳволда, жумладан 19 та мактаб (11, 25, 33, 44, 48, 53, 57, 60, 66, 68, 69, 71, 72, 73, 75, 78, 81, 84, 88) филиал бинолари капитал таъмирга муҳтож эканлиги аниқланди.

Шунингдек, 25 та умумтаълим мактаблари (7, 9, 10, 19, 24, 25, 36, 38, 40, 44, 45, 46, 49, 51, 42, 60, 61, 62, 66, 75, 77, 82, 83, 48, 91) кимё-биология, физика лаборатория жиҳозлари ва лаборатория мебель жиҳозлари берилмаганлиги, 27 та умумтаълим мактаблари (7, 9, 20, 21, 24, 29, 31, 39, 42, 44, 45, 51, 62, 66, 77, 78, 81, 84, 85, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 94, 95) ўқув компьютер синфлари билан таъминланмаганлиги ҳолати ўқувчиларнинг бу фанлардан олаётган билимлари савиясига таъсир кўрсатмоқда

44 та таълим муассасасида (21, 24, 28, 29, 31, 36, 38, 44, 46, 47, 48, 49, 51, 52, 55, 59, 60, 61, 62, 64, 67, 69, 70, 75, 77, 78, 80, 81, 82, 84, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 1-идум) спорт заллар мавжуд эмас. Тумандаги 46, 51, 78, 80- умумтаълим мактабларида хизмат хоналари бўлмаганлиги боис мактаб маъмурияти синф хоналарида фаолият олиб бормоқда.

10 та МТМ (9, 16, 20, 29, 30, 33, 34, 44, 46, 68) филиал биноларида капитал таъмир ўтказилиши лозим.

11 та мактаб (1, 2, 5, 10, 12, 15, 30, 31, 47, 87, 89) ва 9 та мактабгача таълим муассасасида (2, 3, 4, 10, 12, 25, 29, 31, 40) анъанавий газ билан иситиш тизими 10 йиллар давомида ишламайди, оқибатда ҳар қиш мавсумида ёки кўмир ёки ўтин ёқиб синфларда ис газни тўпланишига, қиш мавсумида ўқувчилар давомати 30 фоизгача, мактабгача таълим муассасаларида болалар давомати қарийиб 25 фоизгача тушиб қолади (ўтган 2015-2016 ўқув йили қиш мавсумида 77 фоиз мактаб ва 73 фоиз МТМ кўмир ёқилғиси билан иситилган).

Анъанавий иситиш тизимлари ўрнатилган умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг 26 фоизи муқобил иситиш манбаларидан фойдаланган ҳолда истиш тизмига қайта мослаштиришга муҳтож (2, 3, 40, 43, 54, 56, 57, 80, 96-мактаб, 2, 14-МТМлар)

Учрашувлар давомида аҳоли томонидан мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти юзасидан билдирилган норозиликларни эътиборга олиб, бир қатор мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти билан яқиндан танишилди. Жумладан, 15-сонли мактабгача таълим муассасасида қуйидаги салбий ҳолатлар аниқланди:

- туман ҳокимининг 2013 йил 13 августдаги 373-қ-сонли қарори билан 15-мактабгача таълим муассасаси балансидаги 292,12 кв.м. бино ва иншоотлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази балансига бириктириб берилган. Туман халқ таълими бўлими, туман кадастр хизмати корхонаси ва марказ раҳбарлари томонидан ҳокимнинг мазкур қарори ижроси таъминланмаганлиги оқибатида 15-мактабгача таълим муассасаси ва марказ ҳудудлари чегаралари белгиланмасдан қолиб, ҳудудга автомобиллар эркин кириб чиқаётганлиги, болалар хавфсизлиги масалалари таъминланмасдан қолган;

- ҳудудда юқори кучланиш электр подстанцияси бўлсада, ҳимоя зоналари белгиланмаган;

- муассаса атрофи деворлари баландлиги ўртача 1 метрни ташкил этиши, худудда болалар тарбиячи қаровисиз юрганлиги, болалар уйингоҳлари ачинарли ҳолатда бўлиб, бирорта уйин жиҳозлари мавжуд эмаслиги;

- ошхона ҳолати санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермаслиги, тушлик учун тайёрланган “лағмонли шўва” таомида гўшт маҳсулоти номигагина солинганлиги, омборхонада мавжуд музлатгичда умуман маҳсулотлар йўқ.

Сиздан, “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 моддасига асосан мазкур камчиликларни ўрганиб, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан белгиланган муддатда асослантирилган маълумот беришингизни сўрайман.

Депутат



Р. Кобилов